

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРНАЗАРОВ ҒОЛИБЖОН НЕЪМАТОВИЧ

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ
ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН
УСЛУБИЯТИ**

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ–2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Эрназаров Голибжон Неъматович

Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг жисмоний
сифатларини ривожлантиришни табақалаштирилган услубияти.....3

Эрназаров Голибжон Неъматович

Дифференцированная методика развития физических качеств студентов
педагогических высших образовательных учреждений.....29

Ernazarov G'olibjon Ne'matovich

Differentiated method of development of physical qualities
of pedagogical University students53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....57

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРНАЗАРОВ ҒОЛИБЖОН НЕЪМАТОВИЧ

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ
ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН
УСЛУБИЯТИ**

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.4.PhD/Ped 2039 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.jtsu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алламуратов Шухратулла Иноятович
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тажибаев Сойиб Самижонович
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Бакиев Зафар Абдушукурович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03.30.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19 уй. Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27; факс: (0-370) 717-17-76; веб-сайт: www.jtsu.uz, e-mail: info@jtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Б” биноси, 2-қават, кичик анжуманлар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19 уй.) Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27; факс.: (0-370) 717-17-76

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ да тарқатилган.

(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д.,(PhD), доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда аҳоли саломатлигини яхшилаш масалалари устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар инсонлар организмини ташқи муҳитда бўлаётган ўзгаришларга тайёрлаш билан бир қаторда организмнинг иммунитет тизимини мустаҳкамлаш учун аҳолининг барча қатламлари, хусусан талабаларнинг жисмоний ҳаракатга бўлган фаоллигини ошириш талабини қўймоқда. Шу мақсадда жаҳон таълим тизимида жисмоний тарбия машғулотларини табақалаштириш ва индивидуаллаштириш каби ёндашувлардан фойдаланишнинг аҳамиятини ошириш йўллари аниқлаш билан боғлиқ умумий муаммоларни ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар асосида болалар ва ёш шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги амалиётида бир қатор табақалаштирилган айланма машғулотлар усуллари қўлланилиб келинмоқда.

Жаҳон амалиётида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг таълим жараёнида инновацион таълим технологияларини ташкил этувчи баъзи компонентлар, яъни ўқув жараёнини талабалар тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш, натижаларни олиш ва назорат қилиш юзасидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини табақалаштирилган ҳолда такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган. Хусусан, табақалаштирилган айланма машғулотда махсус машқлар ёрдамида тўғри қадди-қоматни шакллантириш, бўғимларда ҳаракатчанлик имкониятини ошириш, фаол ишчанлик қобилиятини сақлаб туриш, турли ёшда жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини яхшилаш масалалари тадқиқотчилар томонидан илмий асослаб берилган. Талабалар организми конституционал типининг морфофункционал хусусиятларини инobatга олган ҳолда замонавий воситаларни қўллаш асосида, уларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган. Бугунги кунда, дунёдаги ижтимоий шароитлардан келиб чиқиб, талабаларда табақалаштирилган айланма машғулотлардан фойдаланиб ҳаракат кўникмалари ва жисмоний сифатларини яхшилашга қаратилган тадқиқотларни илмий асослаб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда жисмоний тарбия машғулотларида табақалаштирилган айланма машғулот услубияти ёрдамида талабаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний сифатларини ривожланиш даражасини ошириш, саломатлигини яхшилаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда “олий спорт йўналишида эришилган ютуқлар билан чегараланмасдан, оммавий спортга катта эътибор беришимиз керак”¹. Ҳозирда олий таълим муассасаларида “Жисмоний тарбия” фани ўқув режаларида

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш” масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқи, 2018 йил 21 сентябрь, Халқ сўзи газетаси, 1-2 бет.

машғулотларга ажратилган соатларнинг мунтазам камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Аслида, жисмоний тарбия машғулотларини асосий вазифаси талабаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ишчанлик қобилиятини оширишдан, спорт ўйинлари ва миллий спорт турлари воситалари ёрдамида талабаларнинг ҳаракат фаоллигини яхшилашдан иборат. Лекин, мавжуд илмий тадқиқотларда талабаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган ва табақалаштирилган машғулотлар услубиятининг ўзига хос хусусиятлари етарлича инобатга олинмаган. Жисмоний тарбия воситаларидан тўғри фойдаланиш, талабаларнинг конституционал типларидан келиб чиққан ҳолда, табақалаштирилган айланма машғулотлар асосида жисмоний тарбия машғулотлари услубиятини ишлаб чиқиш, жисмоний тарбия дарсларига жорий қилиш, шунингдек, талабаларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш жараёнини бошқариш каби масалалар долзарбигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарори, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги “Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида”ги 65-сонли Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлар доирасига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга доир илмий–услубий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, республикамизнинг қатор олимларидан Т.С.Усмонхўжаев, Ф.А.Керимов, Р.Д.Халмухамедов, О.В.Гончарова, Д.Х.Умаров, М.А.Кдинова, А.Абдуллаев, Ш.Х.Ханкельдиев, Р.С.Саламов, Н.А.Тастанов, Ш.И.Алламуратов, Е.Н.Черникова, И.И.Каримов, О.Ю.Холмуратов, С.С.Тажобаев, А.Т.Хасановлар олий таълим муассасаларида талабалар жисмоний тарбияси самарадорлигини ошириш, янги педагогик технологиялар ва ёндашувлар ҳамда замонавий ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, таълим жараёнини такомиллаштириш ва муаммоларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдилар².

²Усмонходжаев Т.С. Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью. Автореф. дисс. докт. пед. наук. Ташкент. 1995 – 50-с., Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар ўқув қўлланма. Ташкент 2004. 334 б. Халмухамедов Р.Д., Гончарова О.В. Тестирование физической подготовленности абитуриентов. Ташкент.-2010.-153-с. Умаров Д.Х., Кдырова М.А., Средства и методы профессионально прикладной физической подготовки студентов учебно-методическое пособие. Т.:2010,-

А.А.Тимофеев, Ю.Г.Травин, В.Н.Бледнова, Е.С.Акопян, Е.Н.Тумакова, К.Н.Сизоненко, А.А.Солонкин, Р.Дорохов, А.К.Максименко, В.В.Феофилактов, Л.П.Матвеев, В.Зациорский, Л.Н.Забиллин, D.Sugden., M.Talbot, В.Н.Платоновларнинг илмий тадқиқотлари асосида жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган ўқув юртлиари ҳамда жисмоний тарбия факультетлари учун таълим ва тарбиянинг янги педагогик технологиялари асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш услубияти ишлаб чиқилган³.

Республика мактаб ўқувчилари учун Ж.Қ.Хуррамов “Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг сенситив даврида жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатлар тезкорлигини ривожлантириш” мазусидаги тадқиқот ишида айланма машғулот мажмуасини, Н.Қ.Рўзметов “Махсус машқлар мажмуаси ёрдамида болаларнинг мувозанат сақлаш қобилиятини шакллантириш” мавзусидаги тадқиқотлари натижасида “Тўғри чизик”, “Илонизи ҳаракатлари”, “Саккизта поезд” каби машғулотлар мажмуасини жорий этган. Шу билан бирга, А.Ж.Тангриев “Чуқурлаштирилган босқичда ёш дўздохиларнинг тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш” мавзусидаги тадқиқотлари натижасида айланма машғулотларни қўллаш механизмини жорий этган. Бироқ, юқоридаги олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ихтисослашмаган олий ўқув юртлиарида талаба йигит-қизларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда

147 с., Абдуллаев А., Ханкельдиев Ш.Х. Жисмоний маданият назарияси ва услубияти II том ўқув қўлланма Фарғона 2014. -412- б., Саломов Р.С. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. Дарслик.Т. “ТА-PRESS”, 2015 - 296 б., Тастанов Н.А., Кураш турлари назарияси ва услубияти. Ташкент - 2017 йил, дарслик. -Б. 167-178. Черникова Е.Н., Каримов И.И., Холмуратов О.Ю. Велоспорт назарияси ва услубиёти, Тошкент- 2017. -Б. 47-53., Тажибаев С.С. Ўсмир яққакурашчиларнинг комплекс тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини илмий педагогик асослаш. Автореф. Пед.фан.док. (DSc) –Чирчиқ 2018. -Б. 24-26., Хасанов А.Т. Педагогическая технология профессионально-прикладной физической подготовка студентов факультетов допризывного военного образования. Автореф.дис.док.философ.[PhD] пед.наук. Чирчиқ-2018. -56 с.

³Тимофеев А.А. Оптимизация учебно-тренировочного процесса по физическому воспитанию студентов 17-18 лет в условиях технического вуза: автореф. дис...канд. пед. наук / А.А.Тимофеев. - Минск: БГИФК, 1989.-21-с, Травин Ю.Г. Круговая тренировка в общей всесторонней физической подготовке студентов: метод, разработ. / Ю.Г.Травин. - М.: РГАФК, 1993.-47-с., Бледнова В.Н. Физическое развитие и функциональная подготовленность студентов / В.Н.Бледнова, А.П.Фроленков, А.В.Никандров // Физическое воспитание студентов специального учебного отделения: метод, матер.-Л.:ЛГИК, 1991.-С.96-121., Е.С.Акопян //Совершенствование системы подготовки высоко-квалифицированных спортсменов: тез. XV Респ. науч.-практ. конф. - Ереван: АГИФК,1996.-70-с., Тумакова Е.Н. Соматическая характеристика юношей 18-20 лет / Е.Н.Тумакова, А.Я.Абдрахманов // Соматические типы и сомато типирование: сб.науч. тр.-Смоленск:СГИФК,2000.-С.69-72., Сизоненко К.Н. Метод круговой тренировки в подготовке студентов к сдаче контрольных нормативов по физической культуре / К.Н.Сизоненко // Физическая культура, спорт и туризм на Дальнем Востоке России: матер. Межрег. науч. конф. - Хабаровск, 2001. - С. 175-177., Солонкин А.А. Некоторые особенности применения круговой тренировки / А.А.Солонкин // Научно-практические основы двигательных действий в сложно координационных видах спорта: междунар. сб. науч. тр.-Смоленск, 2001. -С. 155-157., Дорохов Р.Н. Спортивная морфология / Р.Н.Дорохов, В.П.Губа. - М.: СпортАкадемПресс, 2002. – 230 с., Максименко А.М. Теория и методика физической культуры: учебник / А.М.Максименко. — М.: Физическая культура, 2005. -533 с., Феофилактов В.В. Сравнительный анализ инновационных технологий физической подготовки студентов гуманитарных вузов на основе мониторинга физического развития: автореф. дис...канд. пед. наук / В.В.Феофилактов. - М., 2005. - 24 с., Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры /- 3-е изд., перераб. и доп.-М.:ФиС: Спорт Академ Пресс, 2008 - 543 с., Зациорский В. М. Физические качества спортсмена. М., ФиС, 2009-203 с., Забилина Л.Н. Эффективность круговой тренировки на дифференцированных занятиях по физическому воспитанию студентами инженерно-технологического университета, Теория и практика физ.культуры. учеб.мет.пособия. М. 2011. – 164 с., Sugden D., Talbot M. Physical Education for Childen with Special Needs in Mainstream Education. Leeds Metropolitan University & University of Leeds, on behalf of Sports Council, 2011-32 p., Платонов В.Н. Периодизация спортивной тренировки: Общая теория и ее практическое применение. Издательство: Олимпийская литература. 2013- 624 с.

жисмоний сифатларини ривожлантириш, ишчанлик қобилиятларини ошириш, жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари етарлича очиб берилмаган.

Ўтказилган илмий-услубий адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, талаба йигит–қизларнинг жисмоний тайёргарлиги илмий-услубий адабиётларда жуда муҳим муаммо сифатида қайд этилган. Таъкидлаш зарурки, талабаларнинг жисмоний тайёргарлигини табақалаштирилган айланма машғулот услуби ёрдамида ошириш бўйича илмий асосланган ишланмалар имкон доирасида таҳлил қилинмаган.

Жисмоний тарбия жараёнини анъанавий ташкил қилишда айланма машқлар мажмуасига етарлича эътибор қаратилмаса, табақалаштирилган ёндашувда қарама-қарши ҳолатлар кузатилади. Шу сабаб, бир қатор тадқиқотлар амалга оширилганлигига қарамай, кутилган натижага ҳали эришилмаган. Аниқланган қарама-қаршиликларнинг назарий ва амалий ҳал этилиши педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний сифатларини, улар организмини ривожланишини индивидуал хусусиятлари ва ҳаракат фаоллигини адекват мазмунини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган айланма машғулот усулини қўллаш асосида ривожлантиришнинг табақалаштирилган услубиятига оид қўшимча илмий, илмий-услубий ишланмаларни тайёрлашни талаб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг И.1-14/2-сонли “Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида жисмоний тарбия тизимининг илмий-методик асосларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагогика олий таълим муассасалари талабалари жисмоний тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда табақалаштирилган айланма машғулот услубияти самарадорлигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг конституционал типларини ўрганиш ва жисмоний тайёргарлик даражасини асослаш;

педагогика олий таълим муассасалари талабалари жисмоний сифатларининг ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб, типлар бўйича предметларсиз, предметлар билан бажариладиган индивидуал айланма машғулот дастурини ишлаб чиқиш;

“илгарилаб кетган” типдаги талабаларнинг ҳаракат тайёргарлигини ривожлантириш учун табақалаштирилган машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг тана қисмлари бўйича жисмоний заиф бўлган талаба қизларда мушакларнинг таранглашувидан келиб чиқиб, юклама меъёрлари ва жадаллигини морфофункционал имкониятларига қараб машғулот услубиятини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона давлат университети физика-математика ва тарих факультетлари талабаларининг жисмоний тарбия машғулоти

жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини Фарғона давлат университети талаба йигит-қизларининг жисмоний сифатларини табақалаштирилган айланма машғулот услубияти ёрдамида ривожлантиришнинг мазмунан тузилиши ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётларни таҳлил этиш ва умумлаштириш, педагогик кузатувлар, социологик сўровномалар, жисмоний тарбия бўйича ўқув-услубий мажмуанинг таҳлили, педагогик тажриба, математик статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг конституционал типларига кўра жисмоний тайёргарлик даражаларини инобатга олиб асосий жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг шиддат зоналарида функционал кўрсаткичи бўйича табақалаштирилган беш блокли машғулотлар услубияти асосида алоҳида жисмоний сифатларни ривожлантириш учун машқлар таркиби ва мазмунини ишлаб чиқиш ҳисобига жисмоний тайёргарлиги ҳар хил бўлган талабаларга машғулотларни вариатив танлаш имконияти кенгайтирилган;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний сифатларини ривожланганлик даражаси бўйича морфологик хусусиятидан келиб чиқиб “ортда қолган тип” учун предметларсиз ва “нормал тип” учун предметлар билан бажариладиган статик ва динамик режимдаги жадал индивидуал айланма машғулотларни дарс жараёнларига киритиш ҳисобига ҳаракат фаоллигини ошириш имконияти такомиллаштирилган;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларида “илгарилаб кетган тип” ни жуфтликда ҳаракат фаолиятини ривожлантириш учун мушакларни ишлатиш тартиби бўйича инерция кучини оширишга қаратилган организм қисмлари бўйича танлаб йўналтирилган машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳисобига ҳаракат уйғунлигини такомиллаштиришнинг имконияти кенгайтирилган;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг тана қисмлари бўйича жисмоний заиф бўлган талаба қизларда мушакларнинг таранглашувидан келиб чиқиб, юклама меъёрлари ва жадаллигини морфофункционал имкониятларига қараб ауксотоник тартибида заиф тана қисми учун қўшимча мосламалардан фойдаланиб таянч нуқталарни кўпайтириш ва юклама ҳажмини камайтириш ҳисобига машғулот услубияти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Талаба йигит-қизларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда замонавий талабаларга мос айланма машғулот услубияти орқали организмни қайта тиклашга қаратилган рекреацион машғулотлар ишлаб чиқилган;

талабаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун табақалаштирилган машғулотлар услубияти ишлаб чиқилган ҳамда самарадорлиги асослаб берилган;

олий таълим муассасалари жисмоний тарбия фани бўйича ишчи ўқув дастурларининг “Таълим мазмуни” ва “Ўқув фаолиятининг ташкилий-услубий таъминоти” бўлимларида жисмоний сифатлар ва соғлом турмуш тарзини ривожлантириш, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг педагогик фаолиятини

такомиллаштириш мақсадида жисмоний машқлар мажмуасини ишлаб чиқишда фойдаланиш тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларининг ишончлилиги назарий-амалий, услубий, илмий тадқиқотнинг мантиқий кетма-кетлиги, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги хориж ва республика олимлари, соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи услубларнинг қўлланилганлиги, тажриба-синов ишлари ҳамда олинган натижаларни математик статистик таҳлил қилиш услублари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган педагогик тажрибалар асосида олинган маълумотлар жисмоний тарбияга ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талабаларнинг конституционал типини инобатга олган ҳолда жисмоний тайёргарлиги даржасини яхшилаш, жисмоний тарбия воситалари ва табақалаштирилган айланма машғулот услубияти ёрдамида жисмоний тайёргарлигини ошириш ва касалликларни олдини олишни таъминлаш муаммоларига тааллуқли жисмоний тарбия фанининг мазмунини бойитади ҳамда кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган услубият педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний тарбияси бўйича таълим жараёни сифати ва жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражасини яхшилаш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришда табақалаштирилган услубиятнинг қўлланилишига қаратилган тажриба тадқиқотлари асосида:

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний машғулотлар ва спортга қизиқишлари, мотивлари ва эҳтиёжлари, жисмоний тайёргарлик даражаси, конституционал типлари асосида уларнинг жисмоний ривожланиш хусусиятларини ўрганиш бўйича тавсиялар “Жисмоний тарбия жараёнида айланма машқларни қўллаш технологияси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган ҳамда Фарғона давлат университети талабаларининг ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 89-03-3987-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқишлари, мотивлари ошган ва чидамлилиқ сифати 12,4% га яхшиланган;

ривожланиши турли конституционал типга мансуб талабаларнинг жисмоний сифатларини табақалаштирилган айланма машғулот жараёнида ривожлантиришнинг асосий компонентлари Фарғона давлат университети “Физика-математика” факультети талабаларининг “Жисмоний тарбия” фани бўйича ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 89-03-3987-сон маълумотномаси). Натижада, талаба-қизларнинг жисмоний сифатлари 19% га ва талаба-йигитларда эса 22% га яхшиланган;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний тайёргарлигида меъерий талаблардан келиб чиқиб, индивидуал хусусиятларни инобатга олган ҳолда жисмоний сифатларни айланма машғулот усулини қўллаш асосида ривожлантиришнинг табақалаштирилган услубияти Наманган давлат университети талабаларининг ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 89-03-3987-сон маълумотномаси). Натижада, талаба-қизларнинг жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари ўртача 28% га, талаба-йигитларда 23% га яхшилانган;

талабаларнинг жисмоний сифатларини табақалаштирилган ҳолда ривожлантириш услубияти ва айланма машғулотдаги машқлар мажмуаси Қўқон давлат педагогика институти талабаларининг ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 89-03-3987-сон маълумотномаси). Натижада, жисмоний тарбиянинг мотивацион компонентини амалга оширилиши ва талабалар саломатлигини яхшиланиши таъминланган, тезкор- куч жисмоний сифати 13,6% га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та ҳалқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий-услубий иш, жумладан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларида 6 та мақола (1 та республика ва 3 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, 160 саҳифа матн, 20 та расм, 21 та жадвал, хулосалар, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, ишнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мавжуд маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлил қилиш асосида олий ўқув юртлари талабаларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришни табақалаштириш, касбий таълимда

жисмоний тайёргарликнинг ўрни, муаммонинг ўрганилганлиги, мутахассисларнинг мазкур масала юзасидан қарашлари, талабалар жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний сифатларини ривожлантириш масалалари, ҳозирда мавжуд тизимдаги амалий ҳолат ва унинг таҳлили келтирилган.

Педагогика олий таълим муассасаларида ўқув йилининг бошида талабаларнинг индивидуал хусусиятлари, индивидуал жисмоний сифатларининг ривожланганлик даражасини ҳисобга олиш билан табақалаштирилган айланма машғулотлар усулини қўллаш, машғулотларни ташкил қилишнинг у ёки бу шакли бўйича қатъий тавсиялар бериш, талабаларнинг жисмоний сифатларини тарбиялашга мўлжалланган машқлар дастурини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Табақалаштирилган айланма машғулот модификацияларининг бир қатор услубий вариантлари бўлиб, айланма машғулот жисмоний тайёргарликнинг деярли барча босқичларида қўлланилиши мумкин.

А.Абдуллаев, Р.С.Саломов, Ш.Х.Ханкельдиев, С.С.Тажибаев, Д.Х.Умаров, А.Т.Хасанов, каби мутахассисларнинг илмий-услубий ишларида замонавий жисмоний тарбия амалиётида болалар ва ёш шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлигига оид йигирмадан ортиқ табақалаштирилган ёндашув мавжудлиги ва бундай ёндашув асосан умумтаълим мактаби ўқувчиларининг жисмоний тарбиясида қўлланилаётганлиги тўғрисида таҳлилий фикрлар келтирилган. Педагогика олий таълим муассасаларида таҳсил оладиган талаба-ёшларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг табақалаштирилган услубияти етарлича ёритилмаган.

Е.Н.Тумакова, К.Н.Сизоненко, А.А.Солонкин, А.К.Максименко, D.Sugden, Л.Н.Забиллар ўз изланишларида талабаларнинг жисмоний тайёргарлик бўйича табақалаштирилган айланма машғулот уларнинг умумий тайёргарлик кўрсаткичларини оширишга хизмат қилишини таъкидлашган.

Қиёсий таҳлил натижалари асосида бугунги кунда педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний тарбиясида табақалаштирилган айланма машқлар мажмуасини қўллаш ва уларнинг талабалар жисмоний тайёргарлигини оширишдаги роли етарли даражада ўрганилмаганлиги, ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларининг камлиги ва тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг усуллари ва унинг ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот услублари, педагогик тажрибани ташкил қилиш ва ўтказиш хусусиятлари, ҳар бир босқич бўйича тадқиқот ишларини амалга ошириш тузилмаси баён қилинган.

Тадқиқотлар уч босқичда ўтказилди.

Биринчи босқич (2018 йил сентябр–декабр) – назарий-изланиш босқичи, тадқиқот муаммоси ҳолатини таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлиб, унда назарий манбалар, меъёрий ҳужжатлар ўрганилди, педагогик кузатув услублари танланди. Педагогика олий таълим муассасаларида таҳсил оладиган талаба-ёшлар жисмоний сифатларини ривожлантириш воситалари ва услублари, уни такомиллаштириш жараёни таҳлил этилиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти тўғрисидаги ҳолатлар аниқлаштирилди, тўлдирилди, ишнинг мақсади,

вазифалари, объекти, предмети шакллантирилди, педагогик тажрибанинг дастлабки дастури ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқичда (2019 йил январ-май) Фарғона давлат университетидида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда энг юқори самара берадиган воситаларни танлаб олиш мақсадида анкета-сўров ўтказилди ва уни тизимлаштириш мақсадида юқори малакали мутахассисларнинг амалий тажрибаси ўрганилди ҳамда умумлаштирилди. Педагогика олий таълим муассасаларида таҳсил оладиган талаба-ёшларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда энг юқори самара берадиган воситаларни ўқув-машғулотлар жараёнида қўллаш мақсадида педагогик кузатувлар ўтказилиб, талаба-ёшларнинг жисмоний сифатларини табақалаштирилган ҳолда ривожлантириш услубияти ишлаб чиқилди.

Учинчи босқич (2019 йил сентябр-2020 йил май)–назорат ва текширув босқичи бўлиб, унда танлаб олинган талабаларнинг назорат ва тажриба гуруҳларида жисмоний тайёргарлик бўйича назорат синовиташкил қилинди. Асосий педагогик тажриба ўтказилиб, унинг натижалари баҳоланди, хулосалар шакллантирилди, табақалаштирилган жисмоний машқлар мажмуаси дастурини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётда қўлланилди, тадқиқот иши расмийлаштирилди.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг табақалаштирилган услубиятини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида Фарғона давлат университети талабаларининг жисмоний тайёргарлик бўйича дастлабки текширув тадқиқотлари, талаба йигит-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини табақалаштирилган айланма машқлар ёрдамида ошириш услубияти, тажриба синови даврида талабалар жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини ўзгариши динамикаси, жисмоний тарбия дарсларида жисмоний тайёргарликни ошириш бўйича қўлланиладиган машғулот воситалари ва уларнинг қўлланилиш нисбатлари ҳамда машғулот дастури ёритилган. Тажриба-синов ишлари Фарғона давлат университетидида жисмоний тарбия машғулотларида турли жисмоний тайёргарликка эга бўлган талаба йигит-қизларнинг машғулотлари давомида олиб борилди.

Тажриба ишлари уч ойдан иборат икки босқичга бўлинди. Ҳар бир босқич охирида назорат меъёрлари асосида талаба йигит-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳолатини баҳолаш мақсадида назорат машқлари қўлланилди. Ҳар бир тажриба босқичи учун табақалаштирилган айланма машқлар асосида машғулот воситалари танлаб олинди ва машғулот услубияти ишлаб чиқилди.

Машғулот воситаларини мазмуни талабаларнинг жисмоний тайёргарлик ҳолатини аниқлаш учун назорат машқларидан олинган маълумотларга қараб олдинги тайёргарликка нисбатан ўзгариши фараз қилинди. Шунинг учун, педагогик тажриба жараёни талабаларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун умумий дарс машғулотлари воситалари асосида режалаштирилди.

Тадқиқотдан олдин тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларини назорат машқларида кўрсатган натижаларидаги фарқ қуйидагича бўлди.

**Педагогика олий таълим муассасалари талаба-қизларини тажриба бошидаги жисмоний сифатларини
ривожланганлик кўрсаткичлари(тажриба ва назорат гуруҳлари)**

Нazorat testlari	Tajriba guruhi (n=81)		Nazorat guruhi (n=37)		Hisbiy ʻushi, %	T	P
	\bar{X}	σ	\bar{X}	σ			
Куч							
Паст турникда (90 см)торгилиш (марта)	5,30	0,62	11,70	0,58	11,18	0,94	>0,05
Тренажерда белни букиб-ёзиш (марта)	8,20	0,87	10,61	0,92	11,08	0,56	>0,05
Тренажерда оёқларни букиб-ёзиш (марта)	7,40	0,93	12,57	0,92	12,27	0,55	>0,05
Тезкорлик							
60 метрга югуриш (сония)	12,89	1,63	12,65	1,53	12,18	1,06	>0,05
30 метрга югуриш (сония)	7,40	0,95	12,84	0,96	12,31	2,11	<0,05
Турган жойида юқорига сакраш (см)	31,60	4,84	11,63	4,87	11,41	1,14	>0,05
Эгиловчанлик							
Гимнастика ўриндиғида турган ҳолатдан оёқ тиззаларини букмасдан олдинга эгилиш (см)	4,60	0,61	13,26	4,70	12,98	0,83	>0,05
“Кўприк” ҳолатига туриш (см)	68,40	7,76	11,35	7,34	10,68	0,20	>0,05
Кўллар кафтини ташки тарафга қаратган ҳолда гавда ортига чўзиш (см)	32,50	3,56	10,95	3,43	10,62	0,29	>0,05
Чидамкорлик							
400 метрга югуриш (дақиқа)	2,11	0,27	12,80	2,17	11,98	1,15	>0,05
800 метрга югуриш (дақиқа)	5,23	0,55	10,52	5,11	9,98	1,16	>0,05
1000 метрга югуриш (дақиқа)	8,13	0,95	11,69	8,23	11,18	0,54	>0,05
Чакконлик							
Моқсимон югуриш, 3x10м. (сония)	13,70	1,49	10,88	1,39	10,30	0,71	>0,05
Юқоридан тушаётган чизғични ушлаб олиш (см)	24,30	2,62	10,78	2,57	10,40	0,78	>0,05
Тўсиқлар орасидан “илонизсимон” 10 метрга югуриш (сония)	4,30	0,52	12,09	4,48	11,83	1,72	>0,05

Тажриба ва назорат гуруҳлари талаба йигит-қизларида тадқиқотдан олдин ҳар бир жисмоний сифатлар бўйича жисмоний тайёргарлик ҳолати бир хил даражада эканлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

“Паст турникда (90 см) тортилиш” тестида куч сифатини нисбий ўсиши 2.08% ни ташкил этган, ишончлилик даражаси $p > 0,05$, “Тренажерда белни букиб-ёзиш” тестида нисбий ўсиш $-1,22\%$, ишончлилик даражаси $p > 0,05$, “Тренажерда оёқларни букиб-ёзиш” тестида нисбий ўсиш 1.35% ни ташкил этган, ишончлилик даражаси $p > 0,05$.

Тезкорлик сифати бўйича “60 метрга югуриш” тестидаги нисбий ўсиш 2,56% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенглиги, “30 метрга югуриш” тестида нисбий ўсиш 5.41% ни ташкил этиб, ишончлилик даражаси $p < 0,05$ га тенг бўлди, статистик ишончли қиймат қайд этилди, “Турган жойида юқорига сакраш” тестидаги нисбий ўсиш 2,64% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенгилиги аниқланди.

Эгилувчанлик сифати бўйича “Гимнастика ўриндиғида оёқ тиззаларини букмасдан олдинга эгилиш” тестида нисбий ўсиш 2,17% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “Кўприк ҳосил қилиш” тестидаги нисбий ўсиш 0,44% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “Кафтни ташқи тарафга қаратган ҳолда гавда ортига чўзиш” тестидаги нисбий ўсиш 0,62% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг бўлди.

Чидамкорлик сифати бўйича “400 метрга югуриш” тестидаги нисбий ўсиш 2.84% ни ташкил этган бўлса, ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “800 метрга югуриш” тестидаги нисбий ўсиш 2,29% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “1000 метрга югуриш” тестидаги нисбий ўсиш 1,23 % ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенглиги аниқланган. Олинган натижадан кўришиб турибдики, у статистик ишончли қийматига эга эмас.

Чаққонлик сифати бўйича “3 x10 м.га мокусимон югуриш” тестидаги нисбий ўсиш 1,46% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенглиги, “Юқоридан тушаётган чизғични ушлаб олиш тестидаги кўрсаткичларнинг нисбий ўсиши 1,65% ни ташкил этиб, ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг бўлди, “Тўсиқлар орасидан “илонизисимон” 10 метрга югуриш” тестидаги нисбий ўсиш 4.19% ни ташкил этиб, ишончлилик даражаси $p < 0,05$ га тенг бўлди. Кўришиб турибдики, ушбу сифатларнинг айрим кўрсаткичлари бўйича нисбий ўсиш паст даражада бўлган бўлса, кўпчилик кўрсаткичлар бўйича жисмоний сифатларнинг яққол ўсганлиги кузатилмади.

Тажриба ва назорат гуруҳлари талаба йигитларининг тажриба бошидаги кўрсаткичлари таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди (2-жадвалга қаранг).

Куч сифати бўйича “Турникда тортилиш” тестидаги нисбий ўсиш 2,82% ни ташкил этиб, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “Штангани белгача кўтариш” тестидаги нисбий ўсиш 2,53% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “Штанга билан ўтириб–туриш” тестидаги нисбий ўсиш 1,46% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг бўлди.

Педагогика олий таълим муассасалари талаба-йиғитларида тажриба бошидаги жисмоний сифатларини ривожланганлик кўрсаткичлари (тажриба ва назорат гуруҳлари)

Нazorat testлари	Tажриба гуруҳи (n=80)		Nazorat гуруҳи (n=38)		Nисбий ўсиш, %	t	P
	\bar{X}	σ	\bar{X}	σ			
Куч							
Турникда тортилиш (марга)	8,50	1,01	11,88	0,98	11,21	1,23	>0,05
Штангани белгача кўтариш, шахсий вазнининг 50% даги оғирликда бажарилади (марга)	15,80	2,04	12,91	1,95	12,66	1,03	>0,05
Штанга билан ўтириб-туриш, шахсий вазнининг 50% даги оғирликда бажарилади (марга)	13,70	1,47	10,73	1,42	10,52	0,71	>0,05
Тезкорлик							
100 метрга югуриш (сония)	17,30	2,04	11,79	1,95	11,40	0,51	>0,05
60 метрга югуриш (сония)	12,80	1,52	11,88	1,41	11,28	1,05	>0,05
Турган жойида юқорига сакраш (см)	38,30	6,15	12,73	5,86	12,29	0,51	>0,05
Эгиловчанлик							
Гимнастика ўриндиғида туриб оёқ тиззаларини букмасдан олдинга эгилиш (см)	3,70	0,48	12,97	0,45	12,43	0,88	>0,05
Кўприк ҳосил қилиш (см)	72,30	8,56	11,84	8,04	11,15	0,12	>0,05
Кўллар кафтини ташқи тарафга қаратган ҳолда гавда ортига чўзиш (см)	42,70	5,39	12,62	5,13	12,24	0,78	>0,05
Чидамкорлик							
800 метрга югуриш (дақиқа)	3,45	0,41	11,88	0,41	11,48	1,49	>0,05
1500 метрга югуриш (дақиқа)	7,31	0,77	10,53	0,75	10,37	0,54	>0,05
3000 метрга югуриш (дақиқа)	16,46	2,08	12,64	1,98	12,21	0,61	>0,05
Чاقқонлик							
Моқисимон югуриш, 3x10м. (сония)	9,70	1,06	10,93	0,98	10,36	1,21	>0,05
Юқоридан тушаётган чизғични ушлаб олиш (см)	21,80	2,34	10,73	2,28	10,34	0,53	>0,05
Тўсиқлар орасидан “илонизисимон” 20 метрга югуриш(сония)	5,70	0,73	12,81	0,67	12,16	1,40	<0,05

Тезкорлик сифати бўйича “100 метрга югуриш” тестида аниқланган нисбий ўсиш 1,16% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, 60 метрга югуриш” тестидаги нисбий ўсиш 2,34 %ни ташкил этиб, ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “Турган жойида юқорига сакраш” тестидаги нисбий ўсиш 1,24% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг бўлди.

Эгилувчанлик сифати бўйича “Гимнастика ўриндиғида оёқ тиззаларини букмасдан олдинга эгилиш” тестидаги нисбий ўсиш 2,16% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “Кўприк ҳосил қилиш” тестидаги нисбий ўсиш 0,28% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “Кўллар кафтини ташқи тарафга қаратган ҳолда гавда ортига чўзиш” тестидаги нисбий ўсиш 1,87% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг бўлган.

Чидамкорлик сифати бўйича “800 метрга югуриш” тестидаги нисбий ўсиш 3,48% ни ташкил этган бўлса, ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “1500 метрга югуриш” тестидаги нисбий ўсиш 1,09% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, 3000 метрга югуриш” тестидаги нисбий ўсиш 1,46% ни ташкил этган бўлса, ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг бўлди.

Чаққонлик сифати бўйича “3x10 м.га моноксимон югуриш” тестидаги нисбий ўсиш 2,47% ни ташкил этган бўлса, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “Юқоридан тушаётган чизғични ушлаб олиш” тестида кўрсаткичларнинг нисбий ўсиши 1,10% ни ташкил этиб, унинг ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг, “Тўсиқлар орасидан “илонизисимон” 20 метрга югуриш” тестидаги бўйича нисбий ўсиш 3,33% ни ташкил этиб, ишончлилик даражаси $p > 0,05$ га тенг бўлди. Мазкур жисмоний сифатлар ривожланишининг айрим кўрсаткичларида нисбий ўсиш паст даражада бўлса, кўпчилиги ишончсиз даражада ўзгарган.

Олинган натижалар асосида талабалар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Тажриба гуруҳи талабалари биз томонимиздан ишлаб чиқилган бешта сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган машғулот мажмуасини меъёрлаштириш орқали табақалаштирилган айланма машқлар услубияти асосида ташкил этилган ўқув машғулотларига жалб қилинди (3-жадвалга қаранг). Назорат гуруҳи синалувчилари анъанавий ўқув машғулотлари дастури асосида ўқишни давом эттирдилар.

Диссертациянинг **“Талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш билан жисмоний тарбия машғулотларида табақалаштирилган айланма машғулот услубиятини тажрибада асослаш”** деб номланган тўртинчи бобида талабаларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш бўйича машғулотларда “ортда қолган”, “нормал” ва “илгарилаб кетган” типлар учун индивидуал табақалаштирилган айланма машғулот услубияти жорий қилинганда олинган натижалар таҳлили келтирилган.

**Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган
табақалаштирилган машқлар услубияти**

№	Назорат тестлари	Хар бир сифат учун танланган машқлар мазмуни	Машқни бажаришга кетадиган вақт	Хар бир машқни бажариш ва такрорлашлар сони	ЮҚС зарба /дак	Дам олиш вақти
1	Турникда	Баланд турникда осилиб туриш	1-2 дақиқа ва ундан ортик	3 марта такрорланади, 3 сериядан иборат.	133-140	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 2.5-3.0 сония.
		Баланд турникда (белда ёки елкада) юк билан тортилиш	10-15 сония ва ундан ортик	3-4 марта такрорланади, 3-4 сериядан иборат.	145-150	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 1.5-2.5 дак.
		Паст турникда (оёқларни олдинга узатиб, чалканча ётган ҳолда) тортилиш	20-40 сония ва ундан ортик	3-4 марта такрорланади, 3-4 сериядан иборат.	140-145	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 1.5-2.5 дак.
2	30 метр масофага югуриш	40 метр масофага югуриш (шериги 30 метр масофага югуриш)	5-8 сония ва ундан ортик	3-4 марта такрорланади, 6-10 сериядан иборат.	160-175	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 1.5-2.5 дак.
		40 метр масофага югуриш (шериги орқасидан тос соҳасидан ушлаши ҳисобига 20-30% қаршилик билан югуради)	10-15 сония ва ундан ортик	3-4 марта такрорланади, 4-6 сериядан иборат.	165-175	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 10-15 сония.
		5-10 метр масофага югуришда белгига кураш резинкасини боғлаб стартдан чиқиш	2-5 сония ва ундан ортик	3-4 марта такрорланади, 20-25 сериядан иборат.	170-175	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 5-8 сония.
3	Кўприк ҳолатида туриб, бошнинг атрофида оёқлар билан айланиб югуриш	Двордан 50-60 сантиметр узоқликда кўллarga гаянган ҳолат, оёқларни тепага кўтариб деворга таяниб, оёқларни пастга тушуриш ва этилишни ошириш	10-20 сония ва ундан ортик	10-15 марта такрорланади, 3-4 сериядан иборат.	110-130	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 1.5-2.5 дак.
		Кураш гиламида чалканча ётган ҳолатдан кўприк ҳолатига кўтарилиш	10-20 сония ва ундан ортик	3-4 марта такрорланади, 10-15 сериядан иборат.	115-124	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 1.5-2.5 дак.
		Тик турган ҳолатдан (гимнастика шар устидан) кўприк ҳолатига тулиш	10-20 сония ва ундан ортик	10-15 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.	115-125	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 1.5-2.5 дак.
4	3000 метр масофага югуриш	1000 метр масофага вақтсиз ва вақта югуриш	8-11 дақиқа ва ундан ортик	1 марта такрорланади.	140-144	Машқлар орасида 4.0 дак, сериялар орасида 3.5-4.5 дак.
		1500 метр масофага вақтсиз ва вақта югуриш	12-16 дақиқа ва ундан ортик	1 марта такрорланади.	142-145	Машқлар орасида 4.0 дак, сериялар орасида 3.5-4.5 дак.
		2500 метр масофага вақтсиз ва вақта югуриш	16-20 дақиқа ва ундан ортик	1 марта такрорланади.	144-150	Машқлар орасида 6.0 дак, сериялар орасида 3.5-5.5 дак.
5	4x10 м моқисмон югуриш	Стартдан чиқиш	1-3 сония ва ундан ортик	3-4 марта такрорланади, 6-8 сериядан иборатно	155-165	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 1.5-2.5 дак.
		Ўтириб олдинга сакраш	15-20 сония ва ундан ортик	3-4 марта такрорланади, 3-4 сериядан иборат.	140-158	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 0.5 дак.
		10 метр масофага югуриш	10-12 сония ва ундан ортик	3-4 марта такрорланади, 6-8 сериядан иборат.	145-155	Машқлар орасида 1.0 дак, сериялар орасида 1.5-2.5 дак.

Тадқиқотлар давомида таълим жараёнини тезкор коррекция қилиш мақсадида асосий жисмоний сифатларни ривожланиши даражасини мониторинг қилиш талабалар жисмоний ривожланишини индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Бунда, жисмоний ривожлантириш йўналишидаги айланма машқлар мажмуасини биз томондан ишлаб чиқилган куйидаги учта вариантлари қўлланилди:

Биринчи вариант:

1.Дастлабки ҳолат (Д.х.): қўлларга таяниб ётган ҳолатда қўлларни букиб-ёзишлар.

2.Д.х.:чалқанча ётган ҳолатда тўғриланган оёқларни юқорига тик ҳолатгача кўтариш ва тушириш.

4.Д.х.: гантелларни қўлга олиб, қўллар бош ортида ҳолатида гавдани ўнгга ва чапга буриш (эгиш)лар.

5.Д.х.: бир оёқда (ўнг ва чап оёқда) навбат билан ўтириб-туришлар.

6.Д.х.: тик турган ҳолатда, оёқлар елка кенглигида, қўлларда гантеллар ва улар юқори ҳолатда, гавдани олдинга-пастрга эгишлар.

7.Д.х.: қўлларга таяниб ётган ҳолатда оёқлар билан депсиниб, таяниб ўтириш ҳолатини эгаллаш.

8.Д.х.: қўлларда орқадан таяниб қўлларни букиб-ёзишлар.

9.Д.х.: эркин бир оёқни юқорига кўтарган ҳолда оёқ билан навбатма-навбат (баландлиги 35-45 см бўлган) таянчда қадам ташлаш.

10.Д.х.: чалқанча ётган ҳолатда, қўллар ва гавда олдинга чўзилган, оёқларни бирданига юқорига кўтариш.

11.Д.х.: гавда ярим эгилган ҳолатда, штангани қўлларда ушлаб, қўлларни букиб-ёзишлар.

Иккинчи вариант:

1.Д.х.: ярим ўтирган ҳолатда, штанга оёқлар орқасида, штанга билан ўтириб-туриш машқи.

2.Д.х.: елкада штанга билан олдинга энгашиш машқи.

3.Д.х.: елкада штанга билан “қайчи” усулида сакраш машқи.

4.Д.х.: елкадаги штанга билан гавдани ўнгга ва чапга буриш машқи.

5.Д.х.: елкадаги штанга билан ўнг ва чап оёқларни навбат билан олдинга ташлаш машқи.

6.Д.х.: штангани тескари ушлаган ҳолатда қўлларни юқорига кўтариш ва тушириш машқи.

7.Д.х.: елкада штанга билан сакраш машқи.

8.Д.х.: штангани бош орқасида ушлаган ҳолатдан қўлларни букиб-ёзиш машқи.

9.Д.х.: елкада штанга билан ўтириб-туриш машқи.

10.Д.х.: елкада штанга билан гавдани ўнгга ва чапга эгиш машқи.

Учинчи вариант:

1.Д.х.: чалқанча ётган ҳолатда оёқларни йиғиб тепага кўтариш, иккинчи шериги оёқларга гавдаси билан таянади; оёқларни тўғрилаш ва дастлабки ҳолатга қайтиш, шу тариқа машқ кетма-кет давом эттирилади.

2.Д.х.:шерикнинг бири қўлларга таяниб ётган ҳолатда, иккинчиси оёқларни кўтариб туради, қўлларни букиб-ёзиш машқи бажарилади ва шу тариқа машқ кетма-кет давом эттирилади.

3.Д.х.:шеригининг бўйнига осилиб чалқанча ётган ҳолатда оёқларни тўғри ушлаб, қўлларда тортилиш-тўғрилаш машқи бажарилади ва шу тариқа машқ кетма-кет давом эттирилади.

4.Д.х.:иккинчи шерикнинг белига осилган ҳолатда оёқларни унинг оёқлари орасига киритиб, гавдани орқага ташлаш машқи бажарилади ва шу тариқа машқ кетма-кет давом эттирилади.

5.Д.х.:қоринда ётган ҳолатда оёқларни тизза бўғимидан орқага букиш ва иккинчи шериги оёқларини пастга босиб туради, шу тариқа машқ кетма-кет давом эттирилади.

6.Д.х.:қўллар орқада полга таянган ҳолатда, шериги оёқларини кўтарган ҳолатдан қўлларни букиб-ёзиш машқи бажарилади ва шу тариқа машқ кетма-кет давом эттирилади.

7.Д.х.:ярим ўтирган ҳолатда туриш, иккинчи шериги орқадан олдинга рақибни силжитади ва унга қаршилик кўрсатади.

